

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 331:330.3(575.1)

Худоярова Хуршида Мухтаровна

**Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни
статистик ўрганиш услугиёти**

5A231401 - Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Маматкулов Б.Х.**

ТОШКЕНТ – 2018

АННОТАЦИЯ

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни статистик ўрганиш услубиётини такомиллаштиришни талаб этади. Бугунги кунда давлатнинг янги инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш, инвестициялашнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳамда унинг янада самаралироқ манбаларини излаб топиш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу вазифа эса муайян молиявий ресурсларга эга бўлган тижорат банклари янги инвестицион сиёсатда асосий ролни ўйнашлари лозимлигини тақозо этади. Бундан ташқари банк ресурсларини кўпайтиришга кўмаклашувчи усуллари излаш ва уларни кенгроқ жорий этиш зарур, бу эса уларга мустақил инвестиция сиёсатини юритиш имконини беради.. Шу сабабдан магистрлик диссертация иши учун танлаб олинган мавзу ҳозирги кунда жуда ҳам долзарб ҳисобланади.

ANNOTATION

The need to improve the methodology of statistical analysis of attraction of investments into the economy in the conditions of further deepening of economic reforms in the country, modernization of the economy. Today, the government's need to develop a new investment policy requires the introduction of modern investment methods and the search for more efficient sources. This requires that commercial banks with certain financial resources play a key role in a new investment policy. In addition, it is necessary to search for ways to increase the bank's resources and widen them, allowing them to pursue an independent investment policy. Therefore, the chosen topic for the master's dissertation is now very relevant.

Магистрлик диссертация иши «Статистика» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома «_____» _____ 201__ й.

Илмий раҳбар:

Б.Х. Маматкулов
(илмий раҳбар и.ш.ф.)

Маматкулов
имзо сана

Такризчи:

Б.А. Джамишев
(такризчи и.ш.ф.)

Джамишев
имзо сана

Магистрант:

А. Қуддусов
(магистрант и.ш.ф.)

Қуддусов
имзо сана

Магистрлик диссертацияси ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “21” “06” 2018 йил куни ўтказилади.

“Кириш”	4
I-Боб. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларни - статистик ўрганишнинг назарий асослари	12
«§1.1.» Мамлакат иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти.....	12
«§1.2.» Инвестициялар бозорининг ўзига хос йўналишларини статистик тадқиқ қилиш.....	20
«§1.3.» Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....	34
I -Боб бўйича хулоса	42
II-Боб. Мамлакат иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларни ҳозирги ҳолатининг статистик таҳлили	43
«§2.1.» Инвестицияларни жалб этиш учун яратилган шарт-шароитларни статистик таҳлили.....	43
«§2.2.» Мамлакат инвестицион муҳитини статистик таҳлил қилиш.....	47
«§2.3.» Инвестиция лойиҳаларини кредитлашнинг статистик таҳлили.....	55
II -Боб бўйича хулоса	65
III-Боб. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари	66
«§3.1.» Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.....	66
«§3.2.» Мамлакат иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш йўналишлари.....	71
III -Боб бўйича хулоса	84
«ХУЛОСА»	86
«АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ»	89

“Кириш”

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Республикамиз йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавкега эга бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида белгилаб берилган стратегик мақсадлар ва уларга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

2018 йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1172 та олди-сотди шартномаси бўйича 240,9 миллион. АҚШ доллари ва 1846,8 миллиард. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Шулардан, 18 та шартнома хорижий инвесторлар билан тузилган. Юкоридаги шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 130,6 миллион. АҚШ доллари ва 1009,0 миллиард. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 11950 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Амалдаги шартномаларга кўра, йил бошидан инвесторлар томонидан 9,4 миллион. АҚШ доллари ва 353,3 миллиард. сўм инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми 20,1 миллион. АҚШ доллари ва 447,0 миллиард. сўмни ташкил этди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Бундан буён ривожланишнинг узок муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилади. Бу борада биринчи кадам сифатида **Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари** қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари